




Лао Ма

М.М.Бахтин

карнавали



Лао Ма

# **М.М.БАХТИН КАРНАВАЛИ**



Тошкент  
«Akademnashr»  
2018



УЎК: 821.581-21

КБК: 84(5Хит)6

М 12

**М 12**      **Ма, Лао.**

М. М. Бахтин карнавали [Матн] : драма / Л. Ма. - Тошкент : Akademnashr, 2017. - 160 б.

ISBN 978-9943-4982-7-3

УЎК: 821.581-21

КБК: 84(5Хит)6

**Русчадан Самандар АЗИЗБЕКОВ таржимаси**

ISBN 978-9943-4982-7-3

© B & R Program.  
© (2017) China Renmin University Press.

ALL RIGHTS RESERVED.

© «Oltin media»

© «Akademnashr», 2018



## МУНДАРИЖА

М.М.БАХТИН КАРНАВАЛИ.....5

*Карнавалдаги кулги – бу байрамона, ўзига хос оммавий кайфият ифодаси. Ҳар бир кишининг у ёки бу «кулгили» ҳолатга билдирган муносабати умуман бошқа нарсадир.*

СУҚРОТ.....45

*Токи тирик эканман, мен файласуфлик қилишдан, кимни учратишимдан қатъи назар, ҳар бирингизни даъват этишдан ва ишонтиришдан тўхтамайман.*

ШОВВОЗ АСКАР ШВЕЙК.....102

*«Нима бўлгандаям, замонлар ўзгарди». Агар шу иборани бир неча йил олдин айтганингда, сени ўн йилга сургун қилишарди. Ким билади, сени дарров осишармиди?! Подшоҳни каламуш ҳақидаги ибора билан ҳақорат қилиш пашшалар ҳақидаги ибора билан ҳақорат қилиш эмас, бу қилиғинг учун янада оғирроқ жазо олишинг мумкин.*





# М.М.БАХТИН КАРНАВАЛИ



## Иштирок этувчилар

*Бахтин М.М.* – рус файласуфи (СССР), гуманист, XX асрнинг энг йирик алломаларидан бири. Ёшлигида А.А.Мейернинг «Воскресенье» гуруҳи фаолияти бўйича ҳибсга олинган ва сургун қилинган. Сургун тугашидан сўнг Мордовия давлат педагогика институтида профессор лавозимида фаолият юритган. 1960 йилдан фалсафа, эстетика, шеърият, тилшунослик, семиотика, тарихий маданиятшунослик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ва уларга улкан таъсир кўрсатишда давом этган.

*Елена* – М.М.Бахтиннинг рафиқаси.

*Франсуа Рабле* – XVI аср йирик француз ёзувчиларидан бири, врач. Ф.Рабле «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи муаллифи сифатида танилган.

*Грангузье* – Ф.Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романида Гаргантюанинг отаси.

*Гаргантюа* – улкан одам, Ф.Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи бош қаҳрамони.

*Пантагрюэль* – Ф.Рабле романидаги қаҳрамонлардан бири, Гаргантюанинг ўғли.

*Бридуа* – «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романидаги қаҳрамонлардан бири, судья.

*Лижизад* – «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи қаҳрамони, сеньор.

*Пейвино* – «Гаргантюа ва Пантагрюэль» романи қаҳрамони, сеньор.

*Хонадон бекаси, биринчи полициячи, иккинчи полициячи, давлат раҳбари, судья, адвокат, епископ, хизматкор, диссертацияқўмитасининг раиси, диссертацияқўмитасининг тўрт нафар профессори, икки нафар котиб, лекция ўқиётган профессор, ўн нафардан ортиқ талабалар.*

## БИРИНЧИ САҲНА

*[Кабинетга туташган ётоқхона. Оддийгина анжомлар: бир кишилик каравот, ёзув столи. Ерда ва столда китоблар тахлами. Бахтин столга қўкраги билан суяниб илмий мақола ёзиш билан банд.]*

*[Хонада бекажон пайдо бўлади. У кийими ва фартугини тўғрилайди, атайлаб икки марта ўйталиб қўяди.]*

**Бекажон.** Кечирасиз, жаноб Бахтин. Ишингизни тўхта-тишга мажбурман, куни бўйи хонада ўтириш ҳам иш деб аталса агар.

**Бахтин.** Бекажон, азизам, сизнинг ташрифингиз менга айнан ишдан чалғишга имкон беради. Ишонаверинг, мен ҳақиқатда ишляпман, меҳнатдан қочаётганим йўқ. Менинг фаолиятим цех ёки колхоздаги ишлардан озгина фарқ қилади. Лекин, аслини олганда, менинг меҳнатим ҳам бошқа одамларникидай.

**Бекажон.** Агар шундай бўлса, жаноб Бахтин, жуда хурсан-дман. Ҳар бир кунингизни хонадан чиқмай ўтказганингиз меҳнат деб аталса, унда цех ёки колхоз ишчилари каби сиз ҳам, ҳойнаҳой, доимий маош оласиз. Шунинг учун марҳамат қилиб менга ижарадан қарзингизни тўлаб қўйсангиз.

**Бахтин.** Мен ростдан хижолатдаман. Илтимос, яна бир оз кутиб турсангиз. Илмий ишим чоп этилиши билан муаллиф-лик ҳақимни оламан. Ўшанда дарров ижара ҳақини тўлайман.

**Бекажон.** Биласизми, жаноб Бахтин, мен сиздан ҳам кўпроқ хижолатдаман. Адашмасам, сизнинг бу важларингиз-ни икки ой олдин ҳам эшитгандим. Бир ой олдин ҳам худди шундай дегандингиз.

**Бахтин.** Бекажон, ўзингизни билмаганликка олманг ахир. Неча ойдан бери таҳририят менинг ишларимни рад этиб, ўзимга қайтараётганини биласиз-ку...

**Бекажон.** Бу ой ҳам рад этмасликларига кафолат бера оласизми?

**Бахтин.** Ваъда бераман, бу сафар ёзганларимни албатта

босиб чиқаришади. Мен ўз мақоламни дўстим номидан чиқараман. Унинг исми меникидан ишончлироқ. Шунда юқори ташкилотлар текширувларидан қочиш осон бўлади.

**Бекажон.** Эҳ Худойим, бечора Бахтин! Рисоладагидек иш ҳақи тўлайдиган бирор бир бир жамоада меҳнат қилсангиз бўлмасмиди? Ахир, сиз яширинча, худди қароқчи каби, ҳеч кимга кераксиз нарсаларни ёзиб ўтирасиз. Ҳайронман, кўри-нишингиз туппа-тузук, бемалол болта ва белкуракни кўтара оладиган ҳолатдасиз. Шундай экан, нега темирйўлларни таъмирлаш ёки дарахт кесиш ишларига бормайсиз?

**Бахтин.** Бекажон, бу дунёда ҳамма одамлар шунақа фаолият билан шуғулланишлари шарт эмас. Оёқ-қўлларимга қараганда менинг ақлим қимматлироқ. Менинг миям фалсафа, адабиёт, антропология, эстетика, семиотика, лингвистика каби соҳаларга оид қизиқарли фикрларга тўла. Мен ушбу соҳалардаги муаммоларни таҳлил қилиб, ўз хулосаларимни мақола сифатида чоп этаман. Бу ҳам ўзига хос меҳнат ҳисобланади. Менинг жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссам ўша темирйўлларни таъмирлаётган ва дарахт кесаётган жисмоний меҳнат кишилариникидан кам эмас.

**Бекажон.** Жаноб Бахтин, балки, сиз ҳақдирсиз, лекин сизнинг тараққиётга қўшаётган ҳиссангиз билан ишим йўқ. Мен ижара пулини олмоқчиман, холос. Агар бугун пул тўламасангиз, у ҳолда ўз ғояларингиз учун бошқа жой қидиришингизни сўрайман. Кечирасиз-у, шундай қилишга мажбур бўламан. Менинг ҳолатимни тушунишга ҳаракат қилинг!

**Бахтин** *(хона бўйлаб айланади, қўлларини ишқалайди, юзга келган танг вазиятда нима қилишни билмайди).* Бекажон, Худо ҳаққи! Менга яна бир неча кун муҳлат беринг.

**Бекажон.** Бу дунёда ҳеч қандай Худо йўқ. Сиздан илтимос, мени юмшатиш учун умуман мавжуд бўлмаган шахслардан фойдаланманг.

**Бахтин.** Яна икки кун яшаб турай! Эртага мавлуд ахир.

*[Икки нафар полициячи пайдо бўлади.]*

**Биринчи полициячи.** Йўқ! Биз билан юринг!



**Бахтин** (*бекажонга юзланиб*). Ижара ҳақи туфайли полицияни чақирдингизми?

**Бекажон** (*саросимага тушиб*). Йўқ, йўқ, асло! Нотўғри тушунманг фақат. Жаноб Бахтин, мен полиция чақирмаганман!

**Иккинчи полицияси.** Уй эгаси сизми?

**Бекажон.** Ҳа, менман. У нима айб иш қилибди? Мен унга хона берганман. Нима иш қилибди ахир? Мен ҳеч нарсани билмайман.

**Биринчи полициячи.** Сиз нима қиляпсиз бу ерда?

**Бекажон.** Мен ҳозиргина уни ҳайдаб солаётувдим. Уч ойдан буён ижара ҳақини бермаяпти!

**Иккинчи полициячи.** Энди бундан хавотир олманг. Биз унга бошқа яшаш жойи топиб қўйдик. Юринг, жаноб Бахтин. Биз кафил, энди ижара ҳақи тўламайсиз!

**Бахтин.** Кимсизлар ўзи? Нима иш қиласиз? Мени қаерга олиб бормоқчисиз?

**Биринчи полициячи.** Қаерда ишлашимизни тушунмаяпсизми? Формаимизни кўрмаяпсизми? Ҳа-ҳа, одамлар сизни китоб қурти дейишча бор экан. Юраверинг, яшашга жойингиз йўқ-ку энди. Биз сизга қамоқхона камерасини тайёрлаб қўйдик.

**Бахтин.** Қамоқхона?! Мени нимада айблашмоқда? Мен ноҳўя ҳаракат қилмадим, ўғри ёки босқинчимасман!

**Иккинчи полициячи.** Жиноят фақатгина қотиллик, ўғрилик ёки босқинчилик эмас. Баъзи жиноятлар, аслида, яширинча бўлса ҳам, улар янада жиддий зарар етказади. Баъзи одамлар қуни бўйи бекор ўтириб, миясида маълум бир фикрлар айланиб туради. Улар бизнинг ижтимоий тузумимиз устидан пинҳона кулишади. Масалан, сизга ўхшаган зиёлилар... Уларни нима деб аташарди?

**Биринчи полициячи.** Уларни интеллигент дейишади!

**Иккинчи полициячи.** Тўппа-тўғри! Интеллигентлар! Бу жуда ғалати сўз-да ўзи. Гўёки фақат уларда билим бордай. Нима, полициячи, ишчи ва деҳқонларда билим йўқми?!

**Бахтин.** Йўқ, йўқ, йўқ, ўртоқ полициячи! Сиз «интеллигент» тушунчасини нотўғри талқин қиляпсиз!

**Иккинчи полициячи.** Уни қаранг-а, уни қаранг! Мен яна адашибман. Мен «интеллигент» сўзининг маъносини ҳам тушунмас эканман. Жаноб Бахтин, сиз бизни ақли заифлар деб ўйлаяпсизми?

**Бахтин.** Йўқ, йўқ, йўқ. Мен буни назарда тутганим йўқ...

**Биринчи полициячи.** Унда нимани назарда тутдингиз?

**Бахтин.** Мен айтмоқчи бўлганим...

**Биринчи полициячи.** У билан гаплашиш бефойда! Сени нимага ҳибсга олмақчимиз, биласанми?

**Бахтин.** Билмайман.

**Биринчи полициячи.** Уфф, ўзингни гўлликка солишга уста экансан! Унинг маъсумгина туришини қара, гўёки нора-сида гўдакдек! Охирги йилларда сен уйингда йиғинлар ўтказиб, маърузалар ўқиганмисан?

**Бахтин.** Ҳа, биз, беш-олти нафар ёш олимлар, вақти-вақти билан, ўзаро қизиққан масалаларни муҳокама қилиш учун йиғилганмиз.

**Иккинчи полициячи.** Қандай масалаларни?

**Бахтин.** Азбарои билим олиш мақсадида немис мумтоз фалсафаси ва замонавий фалсафа масалалари таҳлил қилинган. Масалан, И.Кант, Э.Гуссерль, А.Шулер, шунингдек, З.Фрейд қарашлари...

**Иккинчи полициячи.** Сизлар нимага ленинизмни ва сталинча мафқурани ўрганмайсиз, ташвиқот қилмайсиз? Нимага сиз совет социализми жамоавий меҳнатида фаол иштирок этмайсиз?

**Бахтин.** Ҳалиги... Ўртоқ полициячи, мен суяк хасталигига ва бошқа касалликларга чалинганман, шунинг учун уйда ўтириш ва тўшакда ётишдан бошқа ишга ярамайман. Жисмоний меҳнат қилиш қобилиятимни йўқотганман. Асосий сабаб шу. Лекин мен совет ҳукуматида содиқман ва марксизмга қизиқишим катта...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/3333> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/3333> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3333>